Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan • 2002 yil, 2 avgustl № 31 (516) Sotuvda narxi erkin




*«Хоразм телеком» филиали биноси.*

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2002 йил, биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Агентлик Бош директори А.ОРИПОВ олиб борди. Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов "Алоқа ва ахборот коммуникация технологиялари соҳаси корхоналарининг 2002 йил, биринчи ярим йиллик иш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бориши тўғрисида" маъруза қилиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар хусусида маълумот берди.***

Ўтган давр мобайнида алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш борасида маълум ишлар қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида барча турдаги алоқа корхоналари томонидан 55,1 млрд. сўмлик, шу жумладан, аҳолига 21,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда хизматлар ҳажми қуйидагича — шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 21,0 фоизга, ёзма хатхабарлар 7,0 фоизга, телеграммалар 1,5 фоизга, даврий нашрлар 9,0 фоизга, пул ўтказмалари 2,0 фоизга кўпайган. Жўнатмалар сони эса 23,0 фоизга камайган.

Асосий телефон аппаратлари сони жорий йилнинг 1 июлида 1616,8 минг донани ташкил этди. Телефон аппаратлари сонининг ўсиши эса 17,2 минг донага тенг бўлди.

Алоқа корхоналарини хусусийлаштириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда, хорижий ҳамкорлардан сармоялар, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарини барпо этиш ҳамда давлатга тегишли бўлмаган мулкни ривожлантириш тўғрисида таклифлар тушмоқда.

Жорий йилнинг 1 июлидаги ҳолатга кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг 67 та корхонасидан 31 таси акциядорлик жамиятлари, 9 таси қўшма ва 14 таси давлат корхоналари, 13 таси эса масъулияти чекланган жамиятлардир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 27 декабрдаги "Ўзбектелеком" АКни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича чоралар тўғрисида"ги 488-сонли қарорини бажариш мақсадида "Ўзбектелеком" АКнинг тузилмаси қайта ташкил этилиб, уни ягона юридик шахс этиб ўзгартирилиши тугалланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил, 30 майдаги "Компютерлаштиришни келгусида ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги 3080-сонли Фармонига асосан Вазирлар Маҳкамасининг "2002-2010 йилларга мўлжалланган компютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" Дастури тасдиқланди.

2005 йилга келиб 100 фоиз рақамлаштириш билан халқаро каналлар сонини кўпайтириш мўлжалланмоқда, минтақавий даражадаги каналлар сони 50 мингтага етади. Ахборот алмашувни автоматлаштириш 98 фоизга ўсади. Йил охиригача маълумотларни узатишнинг 235 та янги боғламалари ташкил этилади. Дастур амалга оширилгач республиканинг барча аҳоли пунктлари Интернетга уланиш имкониятига эга бўлади.

Алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарининг барча дебиторлик қарзлари 6896,5 млн. сўмни ташкил қилди. Кредиторлик қарздорлик 9716 млн. сўмдан иборат бўлди. Муддати ўтган қарздорлик йўқ.

Лицензия келишувлари шартлари бажарилиши мувофиқлигининг Мувофиқлаштирувчи Кенгаш билан келишилган 175 та хўжалик юритувчи субъектларни режадаги текширувлари (почта алоқаси бўйича — 60 та, телекоммуникациялар бўйича 115 та) ўтказилди.

Ўтган давр мобайнида Лицензия комиссиясининг 18 та мажлиси бўлиб ўтди. Унда лицензия фаолияти бўйича 254 та масала кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида сармоявий дастурларнинг бажарилиши ҳақида" Агентлик Бош директорининг ўринбосари Ш.Обидхўжаев маъруза қилди.

Маърузачи Агентлик сармоявий дастури, 2002 йил учун молиявийлаштиришнинг манбаларини белгилашнинг бажарилиши хусусида маълумот бериб, амалга оширилган ишлар ва камчиликлар хусусида тўхталиб ўтди.

Музокараларда "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директорининг биринчи ўринбосари А.Хўжаев, "Aloqainvest" акциядорлик жамияти раиси А.Тоғайалиевлар сўзга чиқишди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Иззат АҲМЕДОВ**

## СПАРТАКИАДА КЎНГИЛЛИ ЎТДИ

"Фарғона Телеком" филиали ҳамда "Фарғона почтаси", "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик жамиятлари ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилган спартакиаданинг финал босқичи 26-27 июл кунлари "Фарғона" дам олиш уйида бўлиб ўтди.

Қўқон гуруҳ туманлари бўйича ҳудудий босқич Қўқон шаҳридаги "Буревестник" оромгоҳида, Фарғона гуруҳ туманлари бўйича электралоқа, матбуот тарқатувчи ва почта жамоалари Фарғона шаҳридаги пиллакашлар истироҳат боғида мусобақаларни ўтказдилар.

Қизғин ва кўтаринки руҳда ўтган беллашувларда умумжамоа ҳисобида энг кўп очко тўплаган Фарғона шаҳар электралоқа боғламаси жамоаси биринчи, Қўқон шаҳар электралоқа боғламаси иккинчи, Бағдод туман почтаси жамоаси учинчи ўринни олди. Стол тенниси баҳсида Қўқон электралоқачилари биринчи, Фарғона электралоқачилари иккинчи, "Фарғона Телеком" филиали бошқаруви жамоаси учинчи ўринга эга бўлишди. Шашка мусобақаларида биринчи ўрин Бағдод почтачилари жамоасига, иккинчи ўрин Қўқон электр алоқачиларига, учинчи ўрин Марғилон почтачиларига насиб этди. Қўқонликлар шахмат борасида ҳам барча жамоалардан устун эканликларини кўрсата олдилар. Волейбол ўйинларида эса вилоят маркази электралоқачиларига тенг келадиган рақиб топилмади. Марғилон почтачилари иккинчи, Қўқон электралоқачилари учинчи ўринга муносиб деб топилдилар.

Энг қизғин беллашув футбол майдонида бўлиб ўтди. Омад эса Фарғона электралоқачиларига кулиб боқди. Улар биринчи, Қувасой почтаси жамоаси иккинчи, Бағдод почтачилари учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ғолибларга Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Фарғона вилоят бўлими, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси дипломлари ва Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар топширилди. Ғолиблар яқинда Наманганда бўлиб ўтадиган минтақавий беллашувларда иштирок этадилар.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**
**жамоатчи мухбиримиз**

## МУСОБАҚА ЎТКАЗИЛДИ

"Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан Қашқадарё алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раҳбарлигида вилоят алоқачилари А.Зайнитдинов хотирасига бағишлаб спартакиада ўтказдилар.

Китоб туманидаги хушманзара Қайнар қишлоғида жойлашган "Алоқачи" болалар дам олиш оромгоҳида ўтказилган икки кунлик спартакиада мусобақаларида алоқачилар спортнинг мини футбол, дартс, шахмат, шашка (аёллар ва эркаклар ўртасида) турлари бўйича куч синашдилар. Мини футбол бўйича "Қашқадарё почтаси" АЖ нинг Шаҳрисабз филиали, дартс бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида "Қашқадарё Телеком" филиалининг Китоб телекоммуникация боғламаси, шахмат бўйича эркаклар ўртасида Чироқчи телекоммуникация боғламаси, аёллар ўртасида эса "ЎЗИ Қарши" филиали, шашка бўйича эркаклар ўртасида Китоб филиали жамоаси, хотин-қизлар ўртасидаги мусобақаларда эса Қарши филиали жамоаси аъзолари фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

Умумжамоа ҳисобида Китоб телекоммуникация боғламаси биринчи, Чироқчи телекоммуникация боғламаси иккинчи, "ЎЗИ Қарши" филиали жамоаси эса учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Таклиф этилган соҳа фахрийлари — қариялар ўртасида ҳам мусобақалар ўтказилди. Шахмат бўйича биринчи ўринни эгаллаган кекса алоқачи Йўлдош ака Ҳусанов махсус совғани қўлга киритди.

Спартакиада ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб, барча иштирокчиларга эсдалик совғалар берилди. Б.Тўрабоев, фахрийлардан Й.Ҳусанов, А.Жалиловлар А.Зайнитдинов хотирасини ёдга олиб, раҳматлининг амалга оширган ишлари тўғрисида спартакиада иштирокчиларига сўзлаб беришди.

**Раъно ҚИЛИЧЕВА,**
**жамоатчи мухбиримиз**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР**

**•Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан кунчиқар юртда бўлди. Президент Токиода Япония бош вазири Жуньитиро Коидзуми билан учрашди.**

•Янги тайинланган Фаластин ички ишлар вазири Абдулраззоқ ал-Яҳё АҚШга шу ҳафта режалаштирган сафаридан воз кечди. Исроил ахборот манбаларининг хабар беришича, яқинда Абдулраззоқ ал-Яҳё ўзи бошқараётган вазирликдаги етти нафар юқори мартабали амалдорни ишдан бўшаттан эди. Кузатувчилар АҚШ сафарининг қолдирилишига шу сабаб бўлган, демоқда.

**•Кобулда Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай ва вазирларга суиқасд уюштирмоқчи бўлган икки нафар шахс қўлга олинди. Афғон ҳукумати ички ишлар вазири генерал Муҳаммад Журъатнинг маълум қилишича, хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан тўхтатилган машинадан катта миқдорда портловчи модда бўлган.**

# МУҲАНДИС ТОПҚИРЛИГИ

Ўтган асрнинг 20-йилларида Амударё бўйлаб заранг ёғочдан бўлган устунлар орқали алоқа сими тортилганди. Устунлар қирғоққа яқин ўрнатилганлиги сабабли 1977 йили Туямўйин сув омбори қурилаётган пайтда бир муаммо кўндаланг бўлиб қолди. Тўғон қурилиб, сув йўли тўсилса, оби ҳаёт сатҳи кўтарилиб, дарё қирғоғидан тошиб чиқиши ва алоқа линияси жойлашган ерларни сув босиш хавфи пайдо бўлди. Шунинг учун алоқа устунлари ва симларини бошқа жойга кўчиришга тўғри келди. Мазкур 110 км. узунликдаги Чоржўй-Газочок линияси Туркманистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, у Газочок орқали Питнак-Урганч-Манғит йўналиши (Ўзбекистон Республикаси)дан ўтиб, яна Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятига боғланарди.

Шундай қилиб, ишлар бошлаб юборилди. Лойиҳага кўра, Питнак шаҳридан Лебобгача бўлган 64 километр масофага ер ости кабели ётқизиладиган, қолган 46 километрига устун орқали ҳаво линияси тортиладиган бўлди. Энг қийин ва оғир вазифа — тош-шағал қатламини қазиш учун Мудофаа вазирлигининг махсус қурилиш бўлинмаси жалб қилинди. Чуқуриз қазийдиган механизм ҳар ўтганида 5-10 сантиметр қалинликдаги тошни майдалай оларди ва уни С-100 русумли кучли тракторлардан тўрттаси тортиб юрарди. Бир метр чуқурликдаги из қазиш учун механизм бир жойдан камида ўн марта ўтиши лозим эди. Ҳарбий қурувчилар Ўзбекистон Республикасининг собиқ Сув хўжалиги вазирлигига қарашли идоралар томонидан 7-8 йил илгари тайёрланган лойиҳа бўйича битта кабел ётқизиб, ишни топшириб кетишди. Бироқ Туямўйин сув омбори қурилиши якунланай деб қолган пайтда ушбу линиянинг талабга жавоб бермаслиги аён бўлиб қолди. Чунки битта кабелда ишлайдиган қурилма ишлаб чиқаришдан олиб ташланган, мавжуд иккита кабелда ишлайдиган К60П қурилмаси ётқизилган битта кабелга мослаштирилмаганди. Вақт жуда тиғиз эди, чунки сув омборини ишга тушириш куни қатъий белгиланганди. Ушбу қийин вазиятдан чиқиш К60П қурилмасидан фойдаланиш жараёнига ўзгартириш киритишни тақозо этарди. Бу масъулиятли ишни алоқа техникаси устаси, вилоят алоқа бошқармаси бош муҳандиси Оллоберган Матниёзов ўз зиммасига олди. У зудлик билан янги қурилманинг битта кабелда ишлайдиган лойиҳасини яратди. Кейин собиқ Алоқа вазирлигининг Шаҳар ва шаҳарлараро алоқа бошқармаси бошлиғи Дониёр Абдуллаевга учрашиб, киритилиши лозим бўлган ўзгартиришларни тушунтириб берди. Д.Абдуллаев лойиҳа ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиргач, уни тасдиқлади. Анча елиб-югуришлардан сўнг керакли анжомлар келтирилди. Янгиликни жорий қилиш ва синов ишларини бажаришда Артур Войцеховский, Маргарита Кашина, Людмила Валкова каби тошкентлик мутахассислар ҳам катта ёрдам бердилар. Натижада 110 километрлик алоқа линияси дарёдан четроққа кўчирилди ва кўрсатилган муддатда фойдаланишга топширилди.



Ушбу масъулиятли, мушкул вазифанинг кўнгилдагидай якунланишида О.Матниёзовнинг саъй-ҳаракати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ўз касбининг устаси Оллоберган оғанинг сермазмун ҳаёт йўлида бундай эсда қоладиган ишлар кўп бўлган. Эндиликда оға табаррук ёшда бўлсада, ўз тажрибасини ёш алоқачиларга астойдил ўргатиб, устозлик қилиб келмоқда.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,**
**Хоразм вилояти**

**Суратда:**
**Оллоберган Матниёзов.**
**Муаллиф олган сурат**



**"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг 22/23–АТС муҳандиси Абдуқаҳҳор АБДУРАҲМОНОВ тажрибали мутахассислардан бири. Ўттиз йилдан буён ўз касбини ардоқлаб келаётган моҳир алоқачи кўплаб шогирдларга устоз.**

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат**

## АЛОҚАЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Жорий йилнинг 23-26-30 июл кунлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг кўчма Кубоги учун мини футбол бўйича мусобақаларнинг биринчи ва иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

"Xabar" газетасининг 19 июл, 29-сонида чоп этилган жадвалдаги гуруҳлар таркибида ўзгаришлар бўлди. Хусусан ФТМТМ жамоаси ўйинларда иштирок этмаслиги сабабли Б-гуруҳига Д-гуруҳидаги "Бўстон" ҚК жамоаси киритилди.

**Биринчи ва иккинчи тур ўйинлари натижалари:**

| **А-гуруҳи** |
|---|
| "Ўздунробита" ҚК – ТошТТС – 7- 4 |
| РРТК– РТУМ – 13-0 |
| ТошТТС – РРТК – 4-5 |
| РТУМ – "Ўздунробита" ҚК – 1-7 |
| **Б-гуруҳи** |
| ТШТТ – "Алоқабанк" – 11-0 |
| "Бўстон"ҚК – "Ўзбектелеком" АК – 1-6 |
| "Ўзбектелеком" АК – ТШТТ– 2-13 |
| "Алоқабанк" – "Бўстон" ҚК – 10-1 |
| **С-гуруҳи** |
| ТошАТУ – ЎзААА – 8-4 |
| "Тошкент Телеком" – ЭММM – 13-2 |
| **Д-гуруҳи** |
| ДФХ – "Ўзбекистон почтаси" ДАК – 7-1 |
| МАТБ – Махсус алоқа – 4-2 |



Навбатдаги тур ўйинлари бугун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт залида қуйидаги тартибда бўлиб ўтади.

15⁰⁰ ЭММM – ТошАТУ
16⁰⁰ ЎзААА – "Тошкент Телеком"
17⁰⁰ "Ўзбекистон почтаси"ДАК — Махсус алоқа

●2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

## ЭЪЗОЗЛАГАН ЭЪЗОЗ ТОПАДИ

– Қариялар доимий эътиборимизда бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади, – дейди биз билан суҳбатда "O'zbektelekom" АК "Бухоро Телеком" филиали кадрлар бўлими бошлиғи З.Одилова. – Жорий йилни мамлакатимизда "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинганлиги эса бу борадаги ишларимизни янада жонлантирди. Биласизми, бизни кўпроқ пенсионерларимизнинг ижтимоий ва маданий-маиший шароити, оиласидаги аҳволи ва албатта соғлиги қизиқтиради. Вилоят алоқа корхоналарида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилиб, ҳозирги пайтда пенсия ёшида бўлган кишилар талайгина.

Дарҳақиқат, шу йилнинг ўтган даври мобайнида Бухоро вилояти алоқа корхоналарида "Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан "Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Қарияларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ энг муҳим вазифалар – пенсионерларни ҳар чоракда энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, йил давомида шифокор кўрсатмасига мувофиқ дори-дармонлар сотиб олиши учун ҳар бир қарияга 10 минг сўмдан маблағ ажратиш, Мустақиллик, Наврўз байрамлари, алоқа ходимлари куни муносабати билан тегишли тантаналарни ўтказиб, ҳар бир нафақачига энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш каби масалаларга алоҳида эътибор қилинмоқда. Бундан ташқари, корхона томонидан ёлғиз нафақачиларнинг уй ва хонадонлари таъмири ва маиший тўловлари учун маблағ ажратиш, алоқа соҳасида ўн йилдан ортиқ ишлаб пенсияга чиққан ходимларни телефон тўловидан озод этиш, йил давомида ҳар бир қарияга (Ҳамдўстлик давлатлари миқёсида) бепул шаҳарлараро сўзлашувлардан фойдаланиш имконини бериш, ишлаётган нафақачилар пенсиясининг 50 фоизини корхона ҳисобидан тўлаш ҳам режалаштирилган.

2002 йил Наврўз байрами ҳамда алоқа ходимлари куни муносабати билан ўтказилган тантаналарни қариялар ўз ҳамкасблари ва шогирдлари даврасида хушнудлик билан ўтказдилар. Булар учун 6 миллиондан кўп маблағ сарфланди. Шунингдек, афғон урушида қатнашган ва Чернобил АЭСидаги ҳалокатни бартараф этишда иштирок этган 12 нафар алоқачининг ҳар бирига 5 минг, алоқа ходимларининг 18 нафар ногирон фарзандларига эса жами 71 минг, ота-онаси бевақт вафот этган 46 нафар болага 132 минг сўмлик моддий ёрдам берилганлиги ҳам алоқа корхоналарида ижтимоий муҳофаза доирасида шу кунларда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенг эканлигига далил бўла олади.

Бухоролик алоқачилар узоқ йиллар давомида турли касб ва вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилган Татяна Грошева, Мария Панченко, Александра Асадчиева, Сония Каипова, Александра Чуприннна ҳамда 90 ёшни аллақачон ортда қолдирган, ярим асрдан кўпроқ вақт давомида монтёрлик қилган Панжи бобо Бозоров, худди шу касбда меҳнат қилиб, айни пайтда қарилик гаштини сураётган 87 ёшли Ҳамза ота Музаффаров, шунингдек, 78 ёшли Галим ота Мунасипов, Иван Савинов, Иван Гриценко ва бошқа кўплаб пиру-бадавлат отахону онахонлар билан ҳақли равишда фахрланишади. Негаки, истиқлол йилларида юртимиз телекоммуникация соҳасини ривожлантириш борасида неки ўзгаришлар рўй берган бўлса, уларнинг барчасида бир пайтлар мазкур соҳага тамал тошини қўйган юқоридаги кекса алоқа ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шубҳасиз, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари, амалга оширган эзгу ишлари ҳар жиҳатдан ибратлидир.

**А. ИСТАМОВ,**
**Бухоро вилояти**


## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент ахборот технологиялари университети АЭС-информатика факултети тўртинчи курс талабаси **Назира БОЛТАБОЕВА**ни туғилган куни билан оила аъзолари чин қалбдан табриклайди.

Унга узоқ умр, бахт-саодат тилайди. Алоқачиликдек шарафли касбни эгаллаб, алоқачилар сулоласининг давомчиси бўлади деб умид қилади.

**БОЛТАБОЕВлар оиласи**


●Алоқа матбуот кўзгусида

## ЖЎНАТИЛМАГАН МАКТУБ

Ипак бўлакда иероглиф ҳарфлар билан ёзилган мактуб эгасига етиб бормади. Энди етиб бормайди ҳам, чунки у икки минг йил аввал ёзилган.

Уни хитой археологлари Ганси қишлоғидан топдилар. Сюанкванжудаги вайроналар бугунги кунда Хитойнинг ўн мўъжизасидан бири деб эълон қилинган. Хон сулоласи давридан сақланиб қолган кўҳна нома кўплаб сирлар ва жумбоқларни ўзида мужассам этган. Улардан бирини олимлар аниқлай олдилар. Маълум бўлишича, Сюанкванжудада дунёдаги энг қадимий почта бўлими фаолият кўрсатган экан. Мутахассислар бу кўҳна почта ходимлари почта жўнатмаларини рўйхатга олиш учун фойдаланишган махсус тахтачаларни топишган.

Жўнатилмай қолган мактуб ноёб ҳужжат ҳисобланмоқда. Унинг муаллифи эркак киши бўлиб, у қариндошига ўзининг оғир ҳаётидан нолиб, яшаши учун зарур бўлган маҳсулотлар жўнатишни сўраган.

Олимлар мактуб нима учун эгасига етиб бормаганлигини ҳозирча тушунтириб беролмаяптилар. Бунга қандайдир фожиавий воқеалар, балки ўша даврда ҳам ўз вазифасига лоқайд қарайдиган почтачилар сабаб бўлгандир.

## ҲАЛОЛЛИКНИНГ ЭРТА-КЕЧИ ЙЎҚ

Почта ходимлари сан-Францисколик полициячига 46 йил муқаддам қазо қилган бувасининг ҳамёни солинган жўнатма келтириб беришди. Унга илова қилинган мактубда айтилишича, ҳамён бундан 50 йил муқаддам телефон будкасидан топиб олинган экан.

Мактубнинг эгаси ҳамённи вақтида қайтариб юборолмагани учун узр айтган ва ўз топилмаси ҳақида унутиб юборишга мажбур этган воқеалар ҳақида батафсил ёзган. У телефон будкасидан ҳамён топиб олганини ёқилғи қуйиш шахобчаси ходимига айтган, у эса полицияга мурожаат этишни маслаҳат берган. У полиция бўлимига йўл олганида ҳалокатга учраган ва топилмаси ҳақида унутиб ҳам юборган.

Орадан 50 йил ўтгач, у эски сумкасидан ҳамённи топиб олган ва шу заҳотиёқ уни ҳужжатларда қайд этилган манзилга жўнатган. Ҳамёнда ҳайдовчилик гувоҳномасидан ташқари кредит қоғозлари ва 60 долларлик буюм бор эди.

## ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"Ўзбекистон маркаси" акциядорлик жамияти "O'zbek xalq milliy sport o'yinlari" номидаги янги бадиий почта маркалари ва почта блокини нашрдан чиқарди.

Мазкур бадиий почта маркалари тўрт рангда 45, 50, 60, 70, 85, 90, 145, 175 сўмлик бўлиб кўп нусхада чоп этилган.

Мусаввир Ю.Габзалилов.


## ЭЪЛОНЛАР!

Юнусобод тумани ҳокимлигининг 2032-сонли қарори билан 2000 йили рўйхатга олинган "Инсоф бебаҳо" хусусий фирмаси ўз фаолиятини тўхтатади.

***

Юнусобод тумани ҳокимлигининг 74-сонли қарори билан 2000 йили рўйхатга олинган "Шоабдураҳмон ота" хусусий фирмаси ўз фаолиятини тўхтатади.

# ТЕЛЕФОНДА ТОПИЛГАН БАХТ

*(Бўлган воқеа)*

Бир куни ишдан ҳориб, чарчаб, тушкун кайфиятда уйга қайтдим. Эрталабки мажлисда бошлиқдан эшитган танбеҳим мени шу куйга солиб қўйганди.

Эшик қулфига калит солар эканман, ёлғизлик ҳукм сураётган уйга сира ҳам киргим келмасди. Лекин бошқа қаерга ҳам борардим.

Бироз мизғиб олмоқчи бўлдим, аммо эрталабки дилхираликдан кейин кўзимга уйқу ҳам келмади.

Китобларим сочилиб ётган бетартиб столнинг четида соқовдек бўлиб турган, менинг зериккан пайтларимда эрмагим, маслакдош дўстим бўлган телефон гўшагини қўлимга олиб, рақамлар тера бошладим... Гудок қанча чақирмасин, у томондан ҳеч ким гўшакни кўтармади. Ёзолмаган юрагимни бўшатишдан умидсизланганимча гўшакни тақ этиб жойига қўйдим.

Ёлғиз ўтаётган ҳаётимнинг маъносизлигидан, омадсизлигимдан ўкиндим. Болалар уйида ўсганлигим, онамнинг мени ташлаб бошқа эрга тегиб кетганлиги, меҳрга интиқ ўсиб, ҳаётнинг аччиқ зарбаларига барвақт дуч келганлигим мурғак қалбимни бир умрга жароҳатлаган эди.

Бу дунёда мендай, болалар уйида тарбияланганлар озми? Ҳозир уларнинг қанчалари катта-катта лавозимларда ишлаб, обрў-эътиборга эга эканликларининг гувоҳиман. Мен эса олий маълумотли бўла туриб, ҳамон бўлим бошлиғи вазифасидан нарига чиқолмаяпман.

Бунинг устига 30 ёшга яқинлашаётган бўлсамда, ҳалигача уйланганим ҳам йўқ. Ота-онасиз ўсган одамга ким ҳам қизини берарди.

Қани эди, омад деганлари менга ўхшаган ношудларга ҳам кулиб боқса...

Хаёлга берилиб кетган эканман, бехосдан жиринглаган телефон овозидан чўчиб тушдим.

— Ассалому-алайкум, бу Наргизаларнинг уйими?

Мен бу уйда Наргиза яшамаслигини айтсам, суҳбат узилиб қолади деб қўрқдим ва майингина овозда саломлашдим, овоз эгасининг соғлиги, оиласи саломатлигини сўрадим. Сўнгра ёлғон гапиришга журъат этдим.

Унга Наргизанинг акаси эканлигимни, Наргиза уйда йўқлигини, телефон рақамимиз ўзгарганлигини айтиб, ўзимни таништирдим ва унинг исмини сўрадим.

Унинг исми Диллора экан.

Диллора эртага кечки пайт албатта телефон қилишини айтиб, мен билан хайрлашди.

Менинг ҳаяжонла титраётган вужудимда бояги ёмон кайфиятдан асар ҳам қолмаган эди. Юрагим гурс-гурс тепарди, дилим шод эди...

Шу тариқа телефондаги сўзлашувларимиз давом этди ва ўртадаги ёлғон ҳам ошкор бўлди. Диллора эса аллақачон менга боғланиб қолган эди. У исми-жисмига муносиб, ниҳоятда гўзал, назокатли, мулоҳазали, дилбар қиз эди.

Биз хиёбонларда, сайлгоҳларда учрашиб, суҳбатлашиб, бир-биримизни синадик.

Диллора охири мени ота-онасига таништирди. Улар ниҳоятда тушунган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини таниган, иймонли, яхши инсонлар экан. Менинг ёлғизлигимни билдирмай, ота-онам ўрнида бўлиб, қизлари Диллорани ажойиб тўй қилиб менга никоҳлаб беришди. Дўстларим, бирга ишлаётган ҳамкасбларим тўйимизга файз киритишди. Мен ниҳоятда бахтли эдим. Ўзимнинг ҳам Оллоҳнинг суйган бандаси эканлигимга иймон келтирдим.

Мана, орадан бир неча йиллар ўтди. Уч фарзандимиз бор. Бобо ва бувилари неваралари бошида парвона. Тасодифий бахтга эришишимга сабаб бўлган телефонимиз ҳамиша ардоғимизда, у доим уйимизда ўзининг қўнғироқдек овози билан узоғимизни яқин қилиши билан бирга, дилларимизни-дилга пайвандлаб туради...

**Марям АҲМЕДОВА**
**оққа кўчирди**

# КЕКСАЛАР НАСИҲАТИ

**• Ҳикоят**

Луқмони Ҳакимдан:

— Нега ҳадеб ўғлингга насиҳат қилаверасан? — деб сўрашди.

У эса шундай жавоб берди:

— Кексаларнинг насиҳатлари ёшлар учун боғбон ниҳолни тарбия қилгани кабидир. Боғбон ниҳолдан ўсиб чиққан номуносиб шохларни бутаб туради, ён атрофидаги фойдасиз гиёҳларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймайди. Унинг яхши ўсиши учун бутун кучини сарфлайди. Шундай қилинса ниҳол бақувват бўлиб ўсади. Катта бўлганда ширин-шакар мева қилади. Бордию, ортиқча шохлари кесиб турилмаса, ниҳол тез ўсиб етилсада, яхши ҳосил бермайди, боғбонга эса ундан фойда кам бўлади. Демак, билингки, бола ҳам худди ниҳолнинг ўзидир, агар у тарбия қилинмаса, ёмон феълларга мубтало бўлади ва фалокат хашаклари ўртасида сўлиб битади!

**Боғбондан парвариш кўрмаса ниҳол,**
**Улғайиб ўсолмас, тополмас камол!**

# МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Француз математиги Ампер хаёлан мураккаб ҳисоб-китобни амалга ошириб бораркан, худди аудиториядагига ўхшаш қора тахтага дуч келиб қолди. У суюнганидан доимо чўнтагида олиб юрадиган бўрни чиқарди-да, тахтага формулаларни ёзишга тушди. Аммо тахта жойидан жилди. Ҳисоб-китобга берилиб кетган олим беихтиёр унга эргашди. Тахта тезлашди. Ампер чопа бошлади, шунда ўткинчиларнинг кулгуси уни ўзига келтирди. Формулага тўлган тахта қора каретанинг орқа тўсиғи экан.

* * *

Веналик машҳур врач Нотнагел ҳузурига бир савдогар ўзини мунтазам безовта қилаётган касаллиги туфайли маслаҳат олгани келади.

Доктор биринчи маслаҳати учун 25 марка, иккинчиси ва кейингилари учун 10 маркадан олишини эшитган савдогар озроқ ҳақ тўлаб ўз мақсадига эришмоқчи бўлиб врач ҳузурига келади ва қабулхона эшигини очиб, эски қадрдонлардай:

— Жаноб доктор, мана яна ҳузурингиздаман! — дейди.

Врач Нотнагел бўлса беморга ҳайратланиб қарайди ва уни эслай олмайди. У савдогарни диққат билан текширгач, дейди:

— Вужудингизда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, охирги ёзиб берган дори-дармонларни ичишда давом этинг!

* * *

Бир ношир Волтерга шундай мактуб жўнатибди:

“Менда сизни таҳқирловчи анчагина латифалар жамланган, агар менга минг луидор юборсангиз, уларни эълон қилишдан воз кечаман”. Волтер ҳам ўз навбатида қуйидагича жавоб хати ёзибди: “Ўзимда ҳам ўшанақа латифалардан топилади, агар менга эллик луидоргина жўната олсангиз, мен уларни сизга жон-жон деб юборган бўлардим”.

**•Ажаб дунё**

## ЎҒИЛ ТУҒИШ СОҒЛИҚҚА ЗАРАР(МИ?)

Ўғил туғиб, вояга етказиш она ҳаётини 34 ҳафтага қисқартирса, қиз фарзанд эса 23 ҳафтага узайтирар экан, деган хулосага келишди фан тадқиқотчилари.

Тўғри, улар тўплаган статистика шимолий Скандинавия аҳолисининг XVII-XIX асрлардаги ҳаётини ўрганишга асосланган. Ўша даврлардан бери ҳаёт тубдан яхшиланди ва энди фарзанд кўриш аёл соғлиғига салбий таъсир ўтказмайди, аммо...

Олимларнинг тахминича, ўғил кутаётган аёллар қонида эркаклар гармони миқдори ошиши натижасида уларнинг иммун тизими бузилади. Қиз кутаётганлар эса ҳомиладорликни осонроқ кўтаришади. Бунинг устига, она оилада ёрдамчига эга бўлишдай ижобий туйғуларни ҳис этади.

Тадқиқотчилар оталар бўйича ҳам маълумотларни текшириб кўрдилар. Маълум бўлишича, фарзандларнинг жинси оталарининг умрига сираям таъсир ўтказмас экан.



# ҚАЛДИРҒОЧ

**ёхуд рақсларда Шарқ бўлса, Шарм бўлса...**

Баъзи бир юртдошларимиз тасаввурида Шарқ деган атама билан “раққоса”лик касби қандайдир бир-бирига қовушмайдиган иборалар сифатида шаклланиб қолгандай. Айримлар: “Бу бекорчи гап. Ота-боваларимиз рақсни қатағон қилган бўлсалар Мукаррамахоним, Қундузхоним, Гавҳархоним, Қизлархон, Малика, Маъмура, Рушана сингари оташин санъаткорлар қайси шароитда пайдо бўла қолдилар”, дейишади.

Дарҳақиқат, мана бу суратга кўзи тушган ҳар қандай одамнинг рақс санъати, маданияти, маънавияти бизда қадим-қадимлардан мавжудлигига ишонч ҳосил қилмай иложи йўқ.

Бир дўстимиз фотосуратга боқиб “Қалдирғочми!” деди. Иккинчиси “Офат-ку!” деса, бошқа бир чет эллик ҳамюртимиз “Ҳақиқий Шарқ қизи...” дея таъриф берди.

Раққоса ҳаракатларининг лаҳзанинг юздан бир бўлагига муҳрланган образида ким эрк ва эзгулик рамзи бўлган қушни, ким ишқ-муҳаббат туғёнини, ким Шарқ гўзали тимсолини кўрди.

Санъаткорнинг муддаоси ҳам шу эмасмикин аслида?

Раққосанинг маҳорати, рақснинг қудрати, бир ўзбек қизининг ички ва ташқи гўзаллиги, латофатига берилган баҳо эмасми бу?

Келинг, суратга теранроқ разм солайлик. Бу ингичка, латиф бармоқлар кимнингдир пинҳон ва чийратма дил торларини чертмоққа, тийр-пайконлар қалбларнинг мустаҳкам истеҳкомларини “бузиб, вайрон этишга”, ақиқ лаблар сиз бу ёруғ оламга келиб ҳеч кимдан эшитмаган сирли, жонбахш сўзларни айтиб, вужудингизнинг банди-бандини ларзага солмоққа, соҳир ва шаҳло кўзлар эса ичу бағрингизнинг энг дахлсиз, сокин иқлимларини “ёқиб, ёндириб, ўртаб” қўйишга шайлангандай. Бироқ у бу муддаоларини ўзининг нозик ва иболи хатти-ҳаракатлари зиммасига юклаган покиза паризоддир.

Раққосанинг туриш-турмушида, либосу-безакларида айрича мутаносиблик, нафислик, нафосат, ибо, қўйингки Шарқ аёлига хос бўлган Шарм-ҳаё ўз мужассамини топган.

Бу ҳолда яна шаҳд бор, шижоат бор, эзгу бир аҳд — иддао бор. Шарқнинг эрка, дадил, ўктам, ҳаёли аёлининг тимсоли бор.

Эҳтимол, рақс санъати айни ана шундай ҳиссиётлар мужассамидир! Эҳтимол, ана шу гўзал қадриятларимизни нозик илғаб, уларни биз айни катта ҳарфлар билан ёзаётганимиз Шарқона Шарм ила уйғунлаштирган ҳолда ўз вужуди, хатти-ҳаракатларида юксак маҳорат билан ифода эта олган паризодларгина юртимизнинг атоқли ва ардоқли санъаткорлари сифатида намоён бўлар!

Хуллас, қалдирғоч қомат раққоса қизларимиз санъатида дунё англаб етмаган, эҳтимол умуман англаб етмайдиган “илоҳий нимадир” бор. Акс ҳолда уларнинг саъй-ҳаракатлари айрим халқларнинг ярим яланғоч, сатанг ва там-там хонимлари машғулотларидан фарқ қилмайдиган оний эҳтирослар маҳсулига айланиши ҳам мумкин эди.

**Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирғўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
*Habar@uzapt.uzpak.uz*
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-773.
5239 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**
**Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА**
**Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ**
Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00